

ҚУРИЛИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ

Бундан буён шартнома матнида «Буюртмачи» деб юритилувчи **Оккўргон тумани тиббиёт бирлашмаси** номидан Низом ҳамда Ишончнома асосида иш юритувчи **С.К.Шерниязов** бир томондан, ҳамда бундан буён матнида «Пудратчи» деб юритилувчи «**GLAVTOSHKENTSTROY**» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Б.Н.Устабабаев** иккинчи томондан куйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

ТУШУНЧАЛАР

Мазкур шартномада, агарда ишлатилган кисмдан бошқача маъно англашилмаса, куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

“**Давлат қабул комиссия далолатномаси**” – (кейинги ўринларда- “қабул қилиш далолатномаси”) Давлат қабул комиссиясининг объектни фойдаланишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи амалдаги қонун ҳужжатларига асосан расмийлаштирилган далолатнома/ҳужжат.

“**Кафолат даври**” – мазкур шартноманинг 8-банди талабларига асосан ўрнатиладиган кафолат муддати.

“**Ишларни бажариш жадвали**” – қурилиш жараёни алоҳида турларининг аниқ кетма-кетлигини, иш ҳажмидан, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари ва бошқа жараёнларнинг характеридан келиб чиқиб, улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатадиган, муддатларини аниқлаб берадиган ҳужжат

“**Ишни яқунлаш санаси**” – Пудратчи ишларни яқунлашга эришиши лозим бўлган сана (яъни, Давлат қабул комиссияси далолатномада кўрсатилган сана)

“**Техник ҳужжатлар**” – Ишлар натижаларининг ажралмас таркибий қисми бўлган, таркиби шартномага асосан ишларни бажариш давомида тарафлар томонидан батафсил белгилаб бериладиган ҳужжатлар тўплами.

“**Ишлар**” – Шартномада келишилган асосларда Объектнинг қурилиши/реконструкция қилиниши, шу жумладан ушбу шартномада келтириб ўтилган ҳужжатларга мувофиқ Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган ёки талаб қилиниши мумкин бўлган, Пудратчи томонидан амалга ошириладиган ишлар, хизматлар, товарлар хариди, шунингдек ишларнинг характери ва табиатини инобатга олган ҳолда Пудратчи томонидан олиб бориладиган ҳар қандай бошқа фаолият турлари.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ Пудратчи Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 7 уйда жойлашган объектда қўшимча биноларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни ўз кучи ва моддий-техник воситалари ёрдамида, техник ҳужжатларда келтирилган ҳажмда ва муддатда бажариш ҳамда иш натижаларини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи, Пудратчига ишни бажариш учун шартномада назарда тутилган доирада зарур шароит яратиш бериш ва қабул қилинган ишлар учун келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

2. ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "24" Октябрдаги 163369-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан **115 000 000 сўм (Бир юз ўн беш миллион) сўмни** ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган ишларнинг қиймати Шартнома бўйича Пудратчининг ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатларини ўз ичига олади.

2.3. Ишлар қиймати Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўзгаришсиз қолади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, тарафлар ўзаро бошқача келишадиган ҳоллар бундан мустасно.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, шартномага тегишли ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги келишув билан расмийлаштирилади.

3. ПУДРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1. Шартномага биноан ишларни бажариш муддати:

Шартнома бўйича ишларни бажариш муддати Буюртмачи томонидан Пудратчининг ҳисобварағига ушбу шартноманинг 4.1.1.-бандида кўрсатилган бўнақ пулини ўтказиб берган кундан бошланади.

3.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ___ кунни ташкил этади.

3.3. Шартнома бўйича ишларни бажариш муддати, объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия томонидан далолатнома тасдиқланган кундан сўнг тугаган ҳисобланади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

4. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича тўловлар куйидаги тартибда амалга оширилади:

4.1.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30 фоизи микдорида бўнак пулини 34 500 000 (ўттиз тўрт миллион беш юз минг) сўм ўтказди.

4.1.2. Молиялаштириш ҳамда Ишларни бажариш жадваллари Буюртмачи томонидан Пудратчига бўнак пули тўлаб бериш учун асос бўлиб ҳисобланади (__-сонли илова).

4.1.3. Томонлар олдинги бажарилган ишлар учун қабул қилиш далолатномасини расмийлаштиригандан кейин Буюртмачи ҳар ойнинг 5 кунда Пудратчига шу кунга қадар бажарилган ишлар кийматининг 100 фоизи микдоридаги пул маблағларини молиялаштириш жадвалига асосан тўлаб беради.

4.1.4. Бажарилган ишларнинг назорат ўлчов натижалари бўйича томонлар ўртасида якуний ҳосиб-китоб амалга оширилади. Бунда бажарилган ишлар учун тақдим этилган охириги тўлов ҳужжатлари назорат ўлчов натижаларидан сўнг тўловга қабул қилинади.

Ишлар кийматининг 5 фоизига микдоридаги тўлов мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, бироқ молия йили тугагунга қадар амалга оширилади.

4.2. Пудратчи Ишчи комиссия далолатномаси имзолангунга қадар Объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

5.1.1. Ишларни ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда бажариш ва Буюртмачига лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни топшириш;

5.1.2. Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга _____-сонли иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

5.1.3. Ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваккат биноларни қуриш;

5.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

5.1.5. Қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг кўрикланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. Пудратчи ўз ходимлари ва субпудратчиларининг ходимлари томонидан ишларнинг хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда бажарилиши учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Пудратчи ёки субпудратчининг ходимлари томонидан учинчи шахсларга етказилган зарар учун Пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

5.1.7. Қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

5.1.8. Қурилиш ишларининг чиқиндиларини ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш юзасидан махсус ташкилотлар билан шартномалар тузиш.

5.1.9. Қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг 5 кунлик муддатда қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.1.10. Буюртмачига ишларни бажариш жараёни ҳақида ҳафталик ҳисобот тақдим қилиб борилишни ташкил қилиш;

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

5.2.1. Ишларни бажариш жадвалида белгиланган ҳажмда ва муддатда қурилиш майдончасини Пудратчига топшириш;

5.2.2. Шартноманинг 4-бандида белгиланган микдорда ва муддатда бажарилган ишларни учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

5.2.3. 1-сонли ишларни бажариш жадвалига биноан Пудратчига бўнак тўловини ўтказиш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.2.4. Пудратчи объектнинг тайёрлигини маълум қилган санадан бошлаб 15 кун ичида, агарда ишларнинг сифати ва ҳажми юзасидан камчиликлар мавжуд бўлмаса, шартномада ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда объектни қабул қилиб олиш.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

Бунда тарафларнинг ҳеч бири, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

6.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, zilзила, портлаш, бўрон, ер кўчгиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

6.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

6.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

7. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ

7.1. Агарда Пудратчининг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги Буюртмачининг ёки учинчи шахсларнинг материаллари, жихозлари ва бошқа мулкларининг, йўқолиши, бузилиши ёки шикастланишига олиб келган бўлса, Пудратчи бундай йўқолиш, бузилиш ёки шикастланиш билан боғлиқ зарар учун жавобгар бўлади.

7.2. Авариялар ва бахтсиз ҳодисалар

7.2.1. Пудратчи ишларни бажариш жараёнида фақатгина ўзининг айбли ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги натижасида келиб чиқадиган авариялар ва бахтсиз ҳодисаларни бартараф қилиш ва бу билан боғлиқ ҳаражатларни қоплашни ўз зиммасига олади.

7.2.2. Пудратчи ўзининг айби бўлган тақдирда жисмоний шахслар ва бошқа ҳар қандай учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлигига етказиладиган зарар учун жавобгар ҳисобланади.

7.2.3. Пудратчи Буюртмачи ва учинчи шахсларнинг ҳужжат билан тасдиқланган зарарларини ҳамда экологик зарарларни, давлат ваколатли органлари томонидан ундириб олинган жарималар ва бошқа санкцияларни қоплаб беради.

7.3. Шартнома шартларини бузганлик учун Буюртмачининг жавобгарлиги:

7.3.1. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг __ фоизидан ошмаслиги лозим.

7.3.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг __ фоизи миқдориди жарима тўлайди.

7.4. Шартнома шартларини бузганлик учун Пудратчининг жавобгарлиги:

7.4.1. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг __ фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объектнинг шартномавий қийматининг __ фоизидан ошмаслиги лозим.

7.4.2. Буюртмачи томонидан аниқланган нуксонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг __ фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг __ фоизидан ошмаслиги керак.

7.4.3. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи далолатнома асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Бунда, жарима суммаси Пудратчининг барча ҳисобварақларидан акцептсиз тарзда ечиб олинади

7.4.4. Пудратчи қафолат муддати давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларини бузганлик учун Буюртмачига шартнома баҳосининг __ % миқдориди жарима тўлайди.

7.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

8. ИШЛАР СИФАТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

8.1. Пудратчи қўйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ва қурилиш меъёрлари, коидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

8.2. Пудратчи объектнинг ва унинг таркибига кирувчи муҳандислик тузилмалари, ускуналар, ва материалларнинг нормал ишлаши учун кафолат муддатини тарафлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш далолатномасини имзоланган пайтдан бошлаб ___ ой муддатга белгиланади (объектга учинчи шахслар томонидан зарар етказилган ҳоллар бундан мустасно).

8.3. Кафолатли фойдаланиш муддати давомида объектдан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган даражадаги камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб объектдан фойдаланиб бўлмаса, кафолат муддати камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга узайтирилади.

Пудратчи Буюртмачининг объектни нотўғри эксплуатация қилиши оқибатида вужудга келган камчиликлар учун жавобгар бўлмайди.

8.4. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида тузиладиган далолатномада қайд этилади.

8.5. Агар Пудратчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномада кўрсатилган муддатда бажарилган ишлардаги аниқланган камчиликларни бартараф этмаса, Буюртмачи Ушбу камчиликларни бошқа ижрочининг кучи билан, харажатларни тулаб берилишини Пудратчига юклаган ҳолда бартараф этишга ҳақли.

8.6. Пудратчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, Буюртмачи уларни тасдиқлаш учун малакали экспертизани тайинлайди ва бу экспертиза камчиликлар ва уларнинг хусусиятларини қайд этган ҳолда тегишли далолатнома тузади.

8.7. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати **31 декабр 2022 йил** гача амал қилади.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафларнинг ушбу шартномадан келиб чиқадиган муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар ва тушунмовчиликларни томонлар музокаралар йўли билан хал этадилар.

9.2. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан хал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан Навоий туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

10. ШАРТНОМАНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳрланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга қўра йўл қўйилади.

10.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилиб, етказилган зарарларни коплашни талаб қилишга ҳақли:

- Пудратчини айби билан қурилишнинг бориши тўхтаб қолса ва қурилишни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати ___ кундан ошиб муддатга кечиктирилса;
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойиҳада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда.

10.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра қурилиш-монтаж ишлари Буюртмачи томонидан ___ кундан ошиб муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачининг лойиҳа ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиши натижасида қурилиш қиймати ___ фоиздан кўпроқ миқдорга камайганда;
- Буюртмачи қурилишни молиялаштириш имкониятини йўқотганда.

10.5. Шартнома томонларнинг келишувига мувофиқ бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган қурилиш Буюртмачига топширилади ва Буюртмачи томонидан ҳақиқатда бажарилган ишлар қиймати Пудратчига тўлаб берилади.

10.6. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 3 кун олдин ёзма хабарнома юбориши шарт.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган материаллар Пудратчига топширилган вақтдан бошлаб уларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

11.2. Пудратчи Буюртмачининг ёзма розилигисиз объект қурилишининг ёки унинг алоҳида қисмининг лойиҳа ҳужжатларини бошқа учинчи шахсларга сотишга ёки топширишга ҳақли эмас.

11.3. Объектни қуриш натижасида Пудратчининг айби билан учинчи шахсга етказилган зарар Пудратчи томонидан, Буюртмачининг айби бўлганда эса - Буюртмачи томонидан қопланади.

11.4. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР 12.1.

12.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкӣй ҳарактердаги хизматлар, бошқа мулкӣй ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш., рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши қурашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

12.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишни тақлиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини қафолатлайди.

12.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт. Ёзма хабарномалар "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан ташкил этилган жисмоний ва юридик шахслар учун коррупцияга қарши қурашиш "Комплаенс ишонч линияси" каналлари (тел:0-800-120-8888, веб сайт www.uzpsb.uz, Telegram мессенжер SQB AntiKor (@sqbantikor_bot) орқали амалга оширилади.

12.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

12.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

13. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Пудратчи»

«Буюртмачи»:

«GLAVTOSHKENTSTROY» МЧЖ

г.Ташкент, Сергелийский Ул. Сугдиёна, дом 11.

Тел. (99) 486-70-09

р/сч 20 208 000 900 944 596 001,

АК "Халк банк" Сергелийский филиал

МФО:00826,

ИНН:305868237,

ОКДБ:4202

Директор:

Устабабаев Б.Н

Оккўргон тумани тиббиёт бирлашмаси

Оккўргон ш Р.Мўминова 19-уй

Тел :70-700-16-40

р/сч:100022860272067073101054001

Тошкент шаҳар марказий банк ХККМ

МФО:00014

ИНН:200568514

Директор: С.К.Шерниязов



-sonli shartnomaga
ILOVA

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish; tovlamachilik qilish; pora sifatida pul to'lash; bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:


korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni; 1008

Telegram-kanali "anticorbot";

(davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

TOMONLAR:


Bajaruvchi



Direktor:

UstababaeV.B.N

Direktor: S.K.Sherniyazov

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SULTONBOY SHERNIYAZOV KURBONBOYEVICH
	Imzolangan sana	02.11.2022 12:28
	Hujjat kodi	XT0448142655
	Hulosa kodi	UX3476803311



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 163369 на приобретение Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмасига хизмат қилувчи Қозонхона ичидаги 5-дона KB-450ТГ/н қозонларини жорий таъмирлаш хизмати

Способ проведения электронный

Дата 26.10.2022

Время рассмотрения 26.10.2022 11:14

Закупочная комиссия Оккургон тумани тиббиёт бирлашмаси, (Далее - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SHERNIYAZOV SULTONBOY KURBONBOYEVICH	Главврач	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси ввб
Секретарь комиссии	EGAMQULOV BAXTIYOR XOLMATOVICH	Врач методист 1	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	OMONOV BAXTIYOR XXX	Провизор	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	ALMATOV BAXTIYOR BEKPO'LATOVICH	Хўжалик ишлар бўйча муовини	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	MUSTAFOYEV JALOLIDDIN MUXITDIN O'G'LI	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси бош инженер	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	BAXRAMOV XASAN YO'LDASHEVICH	Врач методист	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.10.2022 года № лота 163369.

Метод оценки предложений - Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту котельной и отопительной системы
Подробное описание	Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмасига хизмат қилувчи Қозонхона ичидаги 5-дона KB-450ТГ/н қозонларини капитал таъмирлаш хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	119 073 667.00
Стартовая сумма	119 073 667.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GLAVTOSHKENTSTROY	25	Қурилиш хууддини кўздан кечирганлиги	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	6-шакл Курганлиги тугрисида	20	Экспертная		

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GLAVTOSHKENTSTROY	25	ухшаш объектлар илова договор, обмер хулоса, рабочи комиссия	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	4-шакл Ухшаш объектлар	20	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишчи ходимлариниг ва механизмлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GLAVTOSHKENTSTROY	25	ходимлар ва машина механизм	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	ишчилар, маш механизм, ухшаш объектлар, молиявий, айланма, банк	20	Экспертная		

Критерий №4 Молиявий барқарорлиги 1-йил давомида шахсий хисоб рақамида айланган маблағлар тўғрисида батафсил малумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GLAVTOSHKENTSTROY	25	форма4, молиявий холати, оборотка	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	айланма+банк	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО GLAVTOSHKENTSTROY	119 073 667.00	115 000 000.00 UZS	115 000 000.00	00.00	115 000 000.00	22.10.2022 09:53:46	20
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	119 073 667.00	119 000 000.00 UZS	119 000 000.00	00.00	119 000 000.00	24.10.2022 09:49:28	19.32773

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО GLAVTOSHKENTSTROY	80	20	100
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	64	19.32773	83.32773

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 163369 от 26.10.2022 года на приобретение Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмасига хизмат қилувчи Қозонхона ичидаги 5-дона ҚВ-450ТГ/н қозонларини капитал таъмирлаш хизмати определила победителем:

ООО GLAVTOSHKENTSTROY
305868237

и резервный исполнитель: ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT (303171688)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SHERNIYAZOV SULTONBOY KURBONBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	OMONOV BAXTIYOR XXX	Согласен	
Член комиссии	ALMATOV BAXTIYOR BEKPO'LATOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUSTAFOYEV JALOLIDDIN MUXITDIN	Согласен	

	O`G`LI		
Член комиссии	BAHRAMOV XASAN YO`LDASHEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**163369 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

29.10.2022 09:23

Комиссия раиси:

SHERNIYAZOV SULTONBOY KURBONBOYEVICH

1437363



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GLAVTOSHKENTSTROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GLAVTOSHKENTSTROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.11.2018

651188

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305868237

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Sirg'ali tumani, Sergeli-4, 22, 2,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Sirg'ali tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги
маълумотлар базасини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга 6-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:
Полное наименование:

"GLAVTOSHKENTSTROY" MAS'ULIYATI
CHEKLANGAN JAMIYAT

Қисқача номи:
Краткое наименование:

"GLAVTOSHKENTSTROY" MCHJ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга куйидаги
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

305868237

СТИР берилган сана: 22.11.2018
Дата присвоения ИНН:

Рўйхатга олинган ДСИ:
Зарегистрирован в ГНИ:

Сергели тумани

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:
Дата распечатки удостоверения:

08.09.2022 21:29:15